

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

РАХМАТУЛЛАЕВА АСАЛХОН ГАЙРАТОВНА

**ЎРТА АСР ШАРҚ МИНИАТЮРАСИДА СЮЖЕТ ВА ОБРАЗЛАР
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахматуллаева Асалхон Гайратовна

Ўрта аср Шарқ миниатюрасида сюжет ва образлар бадиий талқини.....3

Рахматуллаева Асалхон Гайратовна

Проблема интерпретации сюжетов и образов в средневековой миниатюре Востока.....27

Rakhmatullaeva Asalkhon Gayratovna

The problem of interpretation of plots and images in the medieval miniature of the East.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

РАХМАТУЛЛАЕВА АСАЛХОН ГАЙРАТОВНА

**ЎРТА АСР ШАРҚ МИНИАТЮРАСИДА СЮЖЕТ ВА ОБРАЗЛАР
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/San61 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Бадий Академияси Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mrdi.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акилова Камола Балтабаевна
санъатшунослик фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Алиева Сурайё Шариповна
санъатшунослик фанлари доктори

Мадраимов Абдумажид Абдураимович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Диссертация ҳимояси Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.38/09.07.2020. San.119.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Тел.: (+99871) 255-98-39, факс: (+99871) 255-18-33, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация билан Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Тел.: (+99871) 255-98-39, e-mail: info@mrdi.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги № _____ - рақамли реестр баённомаси).

Д.М.Қодирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори

Б.Ю.Сангиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.А.Зияев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, архитектура фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг бадий мероси, асарларига яратилган қўлёзмалар ва уларга ишланган безакли расмлар – миниатюралар маданий мероснинг ажралмас қисми сифатида ўзига хос ўринни эгаллайди. “Миниатюра санъати” ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани муносабати билан илғор мамлакатларда Шарқ халқлари тарихига мурожаат қилиш, қўлёзмалар ва уларга ишланган миниатюра асарларини музейларда намойиш этиш, замонавий мусаввирларнинг ижодларида Ўрта аср китобат санъати анъаналаридан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунё санъатшунослик фанида миниатюра санъатини ўрганиш ва унинг турли қирраларини кашф этиш масалалари долзарб бўлиб бормоқда. Миниатюра санъатининг санъат тури сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларини аниқлаш, миниатюра мактабларининг бадий хусусиятларини белгилаш, миниатюраларни музейлаштириш, анъаналарни сақлаш, тасвирлардаги сюжет ва образларнинг бадий услубларини тадқиқ этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Британиянинг Бодли кутубхонаси, Британия кутубхонаси, Кембриж Университети, Франция Миллий кутубхонаси, Лувр музейи, АҚШдаги Саклер галереяси, Фрир галереяси, Метрополитен санъат музейларида кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда миниатюра санъати ва унинг ривожига катта эътибор қаратилиб, дунё тўпламлари, музейлари ва кутубхоналарида сақланаётган миллий миниатюра асарларининг факсимил нусхалари кўргазмалари ташкил этилмоқда. Фондларда сақланаётган қўлёзмаларни таъмирлаш ва уларни қайта тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. “Нуфузли илмий-тадқиқот муассасалари олдида қўлёзмаларни сақлаш, таъмирлаш, мавжуд фондларни бойитиб бориш, тарихий манбалар билан ишлаш учун маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларга қулай шароитлар яратиш, тарихий-маданий меросимиз намуналарини чуқур ўрганиш, буюк мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш...”¹ муҳим. Зеро, Ўрта аср Шарқ миниатюра санъати сюжет ва образларини таҳлил қилиш, тизимлаштириш, илмий муомалага киритиш, хорижда сақланаётган ноёб миниатюралар нусхаларини тадқиқ этиш, музейларда намойиш этиш орқали замонавий миниатюра санъатида анъанавий сюжетлар талқинини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қарори. “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Тошкент. 24 май 2017 й.

марказини ташкил этиш тўғрисида”, 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 августдаги 572-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мумтоз миниатюра санъатини санъатшунослар, тарихчилар, адабиётшунослар ва филологлар томонидан чуқур илмий ўрганиш асосан XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келади. Бу соҳада йирик чет эл олимларидан Ф. Мартин², Т. Арнольд³, Б. Робинсон⁴, И. Шчукин⁵, Б. Грей⁶ ва бошқалар Шарқ миниатюра намуналарини илмий тавсифга олиш, энг сараларини чоп эттириш, етакчи мактаблар тараққиёти ва тарихини ўрганиш ҳамда тарғиб қилишга доир қатор муҳим ишларни амалга оширдилар. Л. Т. Гюзальян⁷, М. М. Дьяконов⁸, В. В. Стасов⁹, Б. П. Денике¹⁰, С. Ф. Олденберг¹¹, Ф. А. Розенберг¹², Б. В. Круссман¹³, С. И. Тюляев¹⁴, Б. В. Веймарн¹⁵, Г. И. Костыгова¹⁶, О. Ф. Акимушкин¹⁷, А. А.

² Martin F. R. Miniature painting and painters of Persia, India and Turkey. 2 vol. - London, 1912.

³ Arnold T. W. Painting in Islam. – London, 1928.

⁴ Robinson B. W. Persian drawings from the XIVth through the XIXth century. – Boston. Toronto, 1965.

⁵ Stchoukine I. Les peintures de manuscrits Timurides. – Paris, 1954.

⁶ Gray V. Persian painting. - Geneve, 1961.

⁷ Гюзальян Л. Т., Дьяконов М.М. Иранские миниатюры в рукописях «Шах-наме» ленинградских собраний. – Москва-Ленинград, 1935.

⁸ Гюзальян Л. Т., Дьяконов М.М. Рукописи «Шах-наме» в ленинградских собраниях. – Ленинград, 1934.

⁹ Стасов В. В. Миниатюры некоторых рукописей византийских, болгарских, русских, джагатайских и персидских. СПб. 1912.

¹⁰ Денике Б. П. Сюжеты Низами Гянджеви в искусстве Азербайджана и Востока в XV-XVII вв. / Низами. Сб. 4. – Баку, 1947.

¹¹ Олденберг С.Ф. Индийские миниатюры (К истории Эмира Хамзы). / «Восток». кн.1. - Москва, 1922.

¹² Розенберг Ф.А. Об индоперсидской и новоиндийской живописи. / «Восток». кн.2. - Москва, 1923.

¹³ Круссман Б. В. Индийская живопись миниатюр эпохи Великих Моголов. / Труды Секции истории искусств Института археологии и искусствознания. РАНИОН. 4. - Москва, 1930.

¹⁴ Тюляев С.И. Миниатюры мемуаров Бабура. / «Литература и искусство Узбекистана». кн. 1. – Тошкент, 1938.

¹⁵ Веймарн Б. В. Искусство арабских стран и Ирана VII-XVII вв. – Москва, 1974.

¹⁶ Костыгова Г. И. Источник изучения истории культуры Средней Азии и Ирана. / Древность и средневековые народы Средней Азии (История и культура). Под. ред. Б. Г. Гафурова и Б. А. Литвинского. - Москва, 1978; Костыгова Г. И. Персидские и таджикские рукописи «Новой серии» Государственной публичной библиотеки им. М. Е. Салтыкова-Щедрина. Алфавитный каталог. - Ленинград, 1973.

¹⁷ Акимушкин О. Ф., Кулиев В., Миклухо-Маклай Н. Д., Мугинов А. М. Персидские и таджикские рукописи Института востоковедения АН СССР. - Москва, 1964; Акимушкин О. Ф. Лицевая рукопись из собрания Института народов Азии АН СССР. / Ближний и Средний Восток. Сборник статей. - Москва, 1962.

Иванов¹⁸, О. Т. Галеркина¹⁹, Т. В. Грек²⁰, Т. П. Каптерева²¹, Н. В. Дьяконова²², Ш. М. Шукуров²³, Ю. О. Қозиев²⁴, К. Ж. Керимов²⁵, А. В. Саламзаде²⁶, Н. Замонов²⁷, Ж. Ю. Ҳасанзода²⁸, М. М. Ашрафий²⁹, М. Назарли³⁰ каби Россия ва МДҲ давлатлари олимларининг Шарқ мумтоз миниатюра, хаттотлик ва китобат санъатига бағишланган қатор альбом, каталоглар, монографиялари катта аҳамиятга эга.

Шарқ мумтоз миниатюраси ва қўлёзма меросининг тадқиқи бир қатор таниқли олимларнинг изланишларида ўз аксини топган. Улар орасида ўз мақолалари ва муҳим тадқиқотлари билан А. А. Семенов³¹, Б.С.Сергеев³², Г.А.Пугаченкова³³, Л.И.Ремпель³⁴, В.Г.Долинская³⁵, Н.К.Норкулов³⁶,

¹⁸ Иванов А. А. История изучения мавераннахрской (среднеазиатской) школы миниатюры. / Тезисы докладов конференции сессии, посвященной истории живописи стран Азии. 15-20 ноября 1965. – Ленинград, 1965.

¹⁹ Галеркина О. И. Рукописи сочинений Навои 1521/1522 гг. из собрания ГПБ им. Салтыкова-Щедрина в Ленинграде. / Труды АН Таджикской ССР. – Сталинабад, 1956. т. 42; Галеркина О. И. Материальная культура Средней Азии и Хорасана XV-XVI вв. (по данным миниатюр Ленинградских собраний). Автореф. канд. дис. - Москва-Ленинград, 1951.

²⁰ Грек Т. В. Индийские миниатюры XVI-XVIII вв. / Восточная миниатюра и каллиграфия в Ленинградских собраниях (под ред. Л. Гюзальяна). - Москва, 1971.

²¹ Каптерева Т. П. Художественные особенности средневековой миниатюры Ирана, Азербайджана, Средней Азии. / Вестник истории мировой культуры. – Москва-Ленинград, 1959. № 2; Каптерева Т. П. О некоторых проблемах средневекового искусства арабо-мусульманских народов. / Советское искусствознание. 80. - Москва, 1981.

²² Дьяконова Н. В. Среднеазиатские миниатюры XVI-XVIII вв. (под ред. Л. Гюзальяна). - Москва, 1964.

²³ Шукуров Ш. М. Искусство средневекового Ирана (Формирование принципов изобразительности). - Москва, 1989; Шукуров Ш. М. «Шах-наме» и ранняя иллюстративная традиция. (Текст и иллюстрации в системе иранской культуры.) XI-XIV вв. - Москва, 1983.

²⁴ Казиев А.Ю. Миниатюры рукописи «Хамсе» Низами 1539-1543 гг. Баку, 1964; Казиев А. Ю. Художественное оформление азербайджанской рукописной книги XIII-XVII вв. - Москва, 1977.

²⁵ Керимов К.Ж. Азербайджанская миниатюра. - Москва, 1980; Керимов К. Ж. Султан Мухаммад и его школа. - Москва, 1970.

²⁶ Саламзаде А.В., Керимов К. Дж. Тебризская школа миниатюрной живописи XVI в. и художник Султан-Мухаммед. / «Известия АН АзР». № 5. 1959.

²⁷ Замонов Н. Сюжеты «Хамсэ» Низами в искусстве Азербайджана. Автореферат. – Баку, 1973.

²⁸ Гасанзаде Ж.Ю. Тебризская миниатюрная живопись XVI в. в собраниях СССР. Автореф. канд. дисс. – Баку, 1983.

²⁹ Ашрафи М.М. Бехзад и развитие бухарской школы миниатюры XVII в. – Душанбе, 1987; Ашрафи М. М. Из истории развития миниатюры Ирана XVI в. - Душанбе, 1978; Ашрафи М. М. Бухарская школа миниатюрной живописи (40-е – 70-е годы XVI века). – Душанбе, 1974.

³⁰ Назарли М. Два мира восточной миниатюры. 2006.

³¹ Семенов А. А. Гератская художественная рукопись эпохи Навои и ее творцы. / Алишер Навои. Сборник статей. Под ред. А. К. Боровкова. – Москва-Ленинград, 1946.

³² Сергеев Б. С. Хорезмский список «Шах-наме» XVI века. / Труды Государственной публичной библиотеки УзССР. Т.1. - Ташкент, 1935.

³³ Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана. - Москва, 1965; Пугаченкова Г. А. О датировке и происхождении рукописи «Хамсе» Эмира Хосрова Дехлеви в собрании Института востоковедения АН УзССР. / Труды АН Таджикской ССР. Т. 17. – Сталинабад, 1953.

³⁴ Ремпель Л. И. Историко-художественные заметки. Об эстетической ценности живописи Среднего Востока. / Вопросы изобразительного искусства Узбекистана. - Ташкент, 1973.

³⁵ Долинская В. Г. Среднеазиатская миниатюра в XVI в. в собрании Института востоковедения АН УзССР. Автореф. канд. дис. - Москва, 1961.

³⁶ Норкулов Н. К. Камолиддин Бехзод. - Тошкент, 1964.

И.Г. Низомутдинов³⁷, А. Муродов³⁸, О. Усмонов³⁹, Э.М. Исмаилова⁴⁰,
Ҳ. Сулаймон⁴¹, Ф.К. Сулаймонова⁴², Қ. Муниров⁴³, А. Носиров⁴⁴,
А.А. Мадраимов⁴⁵, З.И. Раҳимова⁴⁶ ва бошқалар мавзу нуқтаи назаридан
ёндашганлар. Диссертацияда Ўрта аср Шарқ дostonларига яратилган
кўлёмаларга ишланган миниатюраларнинг қиёмий таҳлили, сюжетлар ва
образларнинг ўхшашлиги, фарқи ҳамда ўзига хослигининг ифодаси, улардаги
тадрижий жараёнлар очиб берилган.

Диссертацияда кўриб чиқилган тадқиқотлардан фарқли равишда
XIV-XVII асрлар миниатюра рангтаъсирининг турли мактабларга оид сюжет
ва образларининг тадрижий талқини ўрганилган. Абулқосим Фирдавсий,
Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий каби
мутафаккирларнинг асарларига ишланган миниатюралардаги таъсир,
сюжет, мавзу ва образларнинг қиёмий таҳлил қилиниб, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари,
ўзига хос бадиий жиҳатлари тадқиқ этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим
ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари
билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг
ПЗ-2017-0930403 “Ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашда
ислом таъсирий санъатининг ўрни” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий
лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўрта аср Шарқ бадиий асарлари – дostonларга
ишланган миниатюралардаги сюжет ва образлар бадиий талқинини Ўрта аср
ҳамда замонавий миниатюралари рассомлар ижоди асосида очиб беришдан
иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миниатюра рангтаъсирини кўлёмма китобларнинг бир қисми сифатида
шаклландирилганини очиб бериш;

Шарқ миниатюра мактабларининг ўзига хос бадиий услубларини
аниқлаш, миниатюра мактабларидаги бадиий асар расмларида таъсирланган
сюжет ва образларни тизимлаштириш;

³⁷ Низомутдинов И. Г. Мовароуннаҳр миниатюра мактаби. / Совет Ўзбекистони санъати. № 1. 1979.

³⁸ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент, 1971.

³⁹ Усмонов О. Камолиддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби. - Тошкент, 1977.

⁴⁰ Исмаилова Э. М. Искусство оформления среднеазиатской рукописной книги XVIII-XIX вв. - Ташкент, 1982;
Исмаилова Э. М. Рукописная книга Средней Азии позднего периода (XIX в.) Приёмы декора и иллюстрации.
Автореф. докт. дисс. - Ташкент, 1990.

⁴¹ Сулейман Х. Вопросы изучения художественных рукописей и искусства каллиграфии эпохи теуридов. –
Ташкент, 1969.

⁴² Миниатюры к «Хамсе» Низами. Сост. Сулейманова Ф. К. - Ташкент, 1982.

⁴³ Муниров Қ. Амир Хусрав Деҳлавий кўлёмма асарлари каталоги. - Тошкент, 1975.

⁴⁴ Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий асарлари кўлёммалари каталоги. - Тошкент, 1970.

⁴⁵ Мадраимов А. А. XV-XVI асрлар Марказий Осиё китобат тарихи манбалари (Алишер Навоий асарлари
кўлёммалари). Докт. дисс. 2002; Камаледдин Бехзад. (К юбилею художника). / ОНУ. № 5. 1981; Мадраимов А.
А., Мусаев Ш. Неизвестные миниатюры гератской школы из фонда Института востоковедения АН УзССР. /
ОНУ. № 10. 1981.

⁴⁶ Раҳимова З. И. Мавераннахрская (среднеазиатская) миниатюрная живопись XVI-XVII вв. как источник по
истории костюма. Автореферат. - Ташкент, 1984.

Ўрта аср Шарқ миниатюрасидаги тасвирларни дoston матнлари билан солиштириб тавсифлаш ҳамда сюжет ва образлар ривожининг бадий хусусиятларини белгилаш;

миниатюра асарларида энг кўп тарқалган ва анъанавий бўлиб қолган сюжет ва образларни аниқлаш ва ривожланиш хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида мумтоз миниатюрадаги анъанавий сюжет ва образлар тасвирининг талқин хусусиятларини очиб бериш;

тадқиқот натижалари асосида Ўрта аср Шарқ миниатюрасида сюжет ва образлар бадий талқини бўйича асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўрта аср Шарқ миниатюрасида сюжет ва образлар бадий талқини белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини XIV-XVII асрларда яратилган ноёб қўлёзмалар ва уларга ишланган миниатюралар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда аниқлаш, тизимлаш, кузатув, қиёсий солиштирув, қиёсий-умумлашма таҳлил, илмий-назарий мушоҳада, дедуктив, эмпирик ҳамда фанлараро комплекс ёндашув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Араб, Эрон, Озарбайжон, Ҳиндистон, Ҳирот мактабларига оид диний, бадий ва илмий адабиётларга ишланган миниатюралардаги сюжет ва образлардан Мовароуннаҳр миниатюра мактабига оид асарларда фигураларнинг йирик қилиб тасвирланиши, қиёфаларнинг сийраклиги, рангин доғлар уйғунлигидаги композицион ечими билан фарқланиши далилланган;

XIV-XVII асрларга оид Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” қўлёзмаларига ишланган миниатюралардаги сюжет ва образлар Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonига ишланган иллюстрацияларда фигураларнинг йириклашуви, мазмуннинг рамзлар воситасида ифодаланиши, маиший ҳаёт ва табиат манзараларини тасвирловчи қўшимча элементлар билан такрорланганлиги аниқланган;

Фирдавсийнинг “Шоҳнома” қўлёзмаларига ишланган сюжетлар XVII асрга оид миниатюраларда сарой аёнлари, канизак ва хизматкорлар, аскарлар, шогирдлар каби иккинчи даражали образлар билан бойитилгани, образлар руҳиятининг рамзлар ва динамика орқали ифодаланган ҳолда мураккаблашиб бориши Низомий Ганжавийнинг “Хамса” асари миниатюраларида идеал портретлар, Хусрав Деҳлавий “Хамса” асарига ишланган миниатюраларда тасвирларнинг примитивлиги каби анъанавийлик принципларининг вужудга келишига таъсир кўрсатганлиги исботланган;

замонавий миниатюра санъатининг локли, деворий сурат, қоғоз, мато ва чармга ишланган янги турларига хорижий тадқиқотчилар ва коллекционерларнинг қизиқиши анъанавий сюжетларга мурожаат қилиш, миллий маданий меросни сақлаб қолиш, тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этаётганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси ва жаҳон тўпламларидаги Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий дostonлари қўлёзмаларига ишланган миниатюра асарларининг бадиий талқинини ўрганиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда ўз ечимини топган масалалар бўйича олинган маълумотлар Ўзбекистон санъати тарихи, Шарқ санъати тарихи мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ташкил этишда ҳамда мазкур йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар учун илмий-амалий манба сифатида ҳамда Шарқ миниатюрасини ривожлантириш учун ташкил қилинадиган кўрғазмалар, амалий инновацион лойиҳалар ва илмий конференциялар ташкил этишда амалий асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, санъатшуносликнинг синалган усуллари ва илмий ёндашув усуллари қўлланилгани, ишлаб чиқилган таклифлар ва хулосаларнинг республика ҳамда халқаро миқёсидаги илмий конференцияларда апробациядан ўтганлиги, илмий натижаларнинг республика ва нуфузли хорижий журналларда чоп этилганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, архив материаллари ва каталог тизими каби бирламчи манбаларга ҳамда Ўрта аср Шарқ миниатюра асарларининг аслиятга асослангани, илмий-амалий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мавзуга оид миниатюра асарлари асосида альбом-каталог яратилиши, санъатшунослик, адабиётшунослик соҳасида фаолият юритаётган олимлар, изланувчилар, умуман санъатшунослар, келажакдаги илмий тадқиқотлар учун керакли манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миниатюра асарлари илмий томондан ўрганилгач, уларни экспозицион залларга қўйиш, илмий жиҳатдан тадқиқ этилган асарлар билан кенг қамровли кўрғазма ташкил қилиб, уларни намойиш этиш ва бу эса кейинчалик рангтасвир соҳасидаги ижодкорлар, рассомлар, бадиий таълим тизимидаги талабалар ва ўқувчилар учун бир амалий қўлланма бўлиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта аср Шарқ миниатюрасида сюжет ва образлар бадиий талқини бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Араб, Эрон, Озарбайжон, Ҳиндистон, Ҳирот мактабларига оид диний, бадиий ва илмий адабиётларга ишланган миниатюралардаги сюжет ва образлардан Мовароуннаҳр миниатюра мактабига оид асарларда фигураларнинг йирик қилиб тасвирланиши, қиёфаларнинг сийраклиги, рангин доғлар уйғунлигидаги композицион ечими билан фарқланиши далиллангани бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Бадиий академияси Камолитдин

Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида ташкил этилган “Тасаввуф ва тасвир” номли кўргазма экспозициясини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадий академиясининг 2019 йил 9 июлдаги 01-17/399-1078-сон маълумотномаси). Натижада, музей экспозициясидан ўрин олган асарларнинг миниатюра мактабларига оид образ ва сюжетлар талқинидаги бадий хусусиятлари очиб берилишига эришилган;

XIV-XVII асрларга оид Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” кўлёмаларига ишланган миниатюралардаги сюжет ва образлар Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonига ишланган иллюстрацияларда фигураларнинг йириклашуви, мазмуннинг рамзлар воситасида ифодаланиши, маиший ҳаёт ва табиат манзараларини тасвирловчи кўшимча элементлар билан такрорланганлиги бўйича олинган натижалардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалида эфирга узатилган “Тарихий савол” кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг 2019 йил 20 ноябрдаги 01-35-9408-сон маълумотномаси). Натижада, диний, бадий ва илмий адабиётларга ишланган миниатюра асарларининг мазмун-моҳияти, миниатюра мактаблари ва марказларининг услуби, тасвирий ечими, колорити, сюжетлар ва образларига оид маълумотларнинг илмий асосланишига хизмат қилган;

Фирдавсийнинг “Шоҳнома” кўлёмаларига ишланган сюжетлар XVII асрга оид миниатюраларда сарой аёнлари, канизаклар ва хизматкорлар, аскарлар ва шогирдлар каби иккинчи даражали образлар билан бойитилгани, образлар руҳиятининг рамзлар ва динамика орқали ифодаланган ҳолда мураккаблашиб бориши Низомий Ганжавийнинг “Хамса” асари миниатюраларида идеал портретлар, Хусрав Деҳлавий “Хамса” асарига ишланган миниатюраларда тасвирларнинг примитивлиги каби анъанавийлик принципларининг вужудга келишига таъсир кўрсатганлиги исботлангани бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида ташкил этилган “Тасаввуф ва тасвир” номли кўргазма экспозициясини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадий академиясининг 2019 йил 9 июлдаги 01-17/399-1078-сон маълумотномаси). Натижада, музей экспозициясидан ўрин олган миниатюра асарлари образ ва сюжетларининг замонавий ва анъанавий бадий хусусиятлари очиб берилишига эришилган;

замонавий миниатюра санъатининг локли, деворий сурат, қоғоз, мато ва чармга ишланган янги турларига хорижий тадқиқотчилар ва коллекционерларнинг қизиқиши анъанавий сюжетларга мурожаат қилиш, миллий маданий меросни сақлаб қолиш, тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этаётганлиги асосланганлиги бўйича олинган натижалардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалида эфирга узатилган “Тарихий савол” кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг 2019 йил 20 ноябрдаги 01-35-9408-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатув замонавий миниатюра санъатини тарғиб қилишда сюжет ва образларнинг талқини масалаларининг очиб берилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 13 та республика ва 2 та халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг илмий натижалари ва хулосалари хорижий ва республика илмий журналларидаги мақолалар ва конференция, семинарлардаги тезисларда ўз аксини топган. Жами 24 та илмий мақола нашр этилган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (маҳаллий 4 та, халқаро 1 та), 4 та (маҳаллий 1 та, халқаро 3 та) илмий журналларда ҳамда 15 та тезис (13 та республика ва 2 та халқаро конференция тўпламларида) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисм, 3 та асосий боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация умумий 147 бетдан иборат. Иловада берилган иллюстратив альбом 86 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари белгиланиб, объект ва предметлари тавсифланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, ишончилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробациядан ўтказилганлиги ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўрта аср Шарқ миниатюра рангтасвирининг тарихий ривож ва унинг тадқиқ усуллари”** деб номланган биринчи бобида миниатюра рангтасвирининг шаклланиши, Шарқ миниатюра мактабларида сюжет ва образларнинг тизимлаштирилиши ва Шарқ миниатюра санъатини ўрганишдаги илмий адабиётлар шарҳи қайд этилган.

Бобнинг **“Миниатюра рангтасвирининг шаклланиши”** деб номланган биринчи бўлимида Шарқ миниатюра рангтасвирининг шаклланиши илк ёзув кўринишлари ва китобат санъатининг пайдо бўлиши билан боғлиқлиги, Ўрта Шарқ қўлёзмаларини безашда матн мазмунидан келиб чиқиб миниатюралар асосан фольклор, диний, кейин бадий ва илмий адабиётларга ишлангани қайд этилган.

Ислон давлатларида Пайғамбар Муҳаммад с.а.в.га нисбат бериладиган Ҳадисларда жонли мавжудотлар, энг аввало, инсонни тасвирлаш таъқиқланади. Сабаби уларнинг образини яратган мусаввир тасвирга руҳ ато эта олмайди, бу фақатгина Аллоҳга хосдир, дейилиши тасвирий санъат билан шуғулланувчилар учун сезиларли таъсир кучига эга бўлган. Шунга қарамай, жонли мавжудотлар тасвири таъқиқларни четлаб ўтиб, санъатга олиб кирилади. Шу билан бир қаторда, нақшлардаги кўпгина сюжетлар шеърят билан боғлиқ бўлиб, тасвирий сюжет байтлар билан тўлдирилган.

“XII-XIV асрларда китобат санъатида миниатюра пайдо бўла бошлайди. Унинг илк намуналари Бағдод (миниатюра рангтасвирининг шундай аталувчи Месопотамия мактаби) билан боғлиқ. Шунга қарамай, миниатюра араб дунёсида рад этилади ва унинг ривож Шарқ мамлакатлари – Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳрга бориб тақалади. XV-XVII асрлар миниатюра санъатининг энг гуллаб-яшнаган даври ҳисобланади”⁴⁷. Шарқ миниатюраси ўзининг тадрижий ривожда XII-XIII асрлардаги содда ва босиқ шакллардан XV-XVII асрлар миниатюра рангтасвирининг бой, таъсирчан анъаналаригача бўлган узун ва мураккаб йўлни босиб ўтди.

Китобат санъатида иллюстрациялар турли кўринишдаги китобларга ишланган. Аввалига китоблардаги график белгилардан тасвирий шаклларга ўтилган ва кейинчалик улар иллюстрациялар кўринишида намоён бўла бошлаган⁴⁸. Диний адабиётлардан ташқари фольклор, яъни халқ оғзаки ижодиёти, илмий ва бадий адабиётлар учун матн мазмунидан келиб чиқиб миниатюралар чизилган. *Илмий адабиётлар* ўрта асрларда ислон дунёсида кенг тарқалган фанлар билан боғлиқ бўлиб, турли соҳаларни ўз ичига олади.

⁴⁷Пугаченкова Г. А. Среднеазиатские миниатюры (XVI—XVIII веков в избранных образцах). - Ташкент, 1994, - с.6-7.

⁴⁸Шукуров Ш. М. Искусство средневекового Ирана (Формирование принципов изобразительности). - Москва, 1989.

Жумладан, тиббиёт, астрономия, математика, теология (илоҳиёт), муסיқа, тарих ва бошқа фанларга оид яратилган адабиётлар учун иллюстрациялар яратилган. Илмий асарлардан 1222 йилда рассом Абдуллоҳ ибн Фадл томонидан безатилган юнон олими Диоскориднинг “Фармакология”сига ишланган миниатюраларни мисол қилиш мумкин. Унинг миниатюраларида ўсимликларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида айтилади, дориларни тайёрлаш саҳналари, олимларнинг суҳбатлари тасвирланади.

Фольклор жанрига ажойиб миниатюралар билан безатилган XII асрга оид Ироқ мактабига тегишли Ал-Ҳаририйнинг “Мақом” (50 мақомдан иборат) асарини яққол намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Миниатюра санъати ўрта асрларда асосан сарой санъати ҳисоблангани боис, шоҳлар, ҳукмдорлар, сарой ҳаётини тасвирловчи, юқори табақа вакилларининг турмуш тарзини улуғловчи *бадший асарларга* турли мавзуларда иллюстрациялар чизилган. Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг “Шоҳнома”, “Хамса” дostonлари кўлёмаларини бегаган миниатюралар шулар жумласидандир.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими ***“Шарқ миниатюра мактабларида сюжет ва образларни тизимлаштириши”*** деб номланиб, унда миниатюра мактаблари ва марказларининг ўзига хос услублари, мактабларда сюжет ва образларнинг тизимлаштирилиши каби масалалар ёритилган. Шарқ миниатюра мактаблари ва марказларидан энг қадимийлари деб араб мактабига оид миниатюраларнинг ўзига хос хусусиятлари – тасвирнинг сатҳ юзидалиги, шартлилик ва декоративлилик принциплари асосида қурилганидир. Бу хусусият кўлёманинг декоратив услуб, (серҳашам) зийнатлар, шамс, лавҳалар, зарварақ ва бошқа безаклари каби китобнинг зийнатлари, унинг тузилиши характеридан келиб чиққан.

Эрон, аниқроғи, форс миниатюраси китоб иллюстрацияси шаклида юзага келиб, то XVI асргача ҳам китоб ва кўлёмга варағи билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланган. Эрон миниатюраси ва ундаги матн парчаси орасида ўзига хос уйғунлик мавжуд⁴⁹. XIV аср охирида Эрон миниатюра санъатида Шероз мактаби юзага келади. 1370 йилда “Шоҳнома” асарига ишланган иллюстрация (Истамбул, Тўпқопи музейи) Шероз миниатюрасининг илк намунасидир⁵⁰. Бу асар композициясининг жуда ҳам соддалиги – бир оз примитивлик, манзара фонларининг ривожланмаганлиги, бўёқлар уйғунлигининг сустигидан далолат беради. Озарбайжон миниатюра мактаби, асосан Табриз шаҳрида XIV-XVI асрлар давомида ўзининг юксак тараққиёт босқичига кўтарилган. Озарбайжон мусаввирларининг услубидаги ўта декоратив образлар силсиласи, бой ва ёрқин ранглар жилоси, чизикларининг нозиклиги, ўзига хос композицион ечимлари, шаклларнинг шартлилиги билан жозибалидир. Ҳинд миниатюра мактаби XVI-XVIII асрларда Шимолий Ҳиндистоннинг пойтахт шаҳарлари Агра, Деҳли ва Лохурда ривож топган. Бу миниатюра расмлар асосан кичик маданий марказларда яратилган бўлиб, ўзининг соддалиги,

⁴⁹ Адамова А. Т. Персидская живопись и рисунок XV-XIX веков в собрании Эрмитажа. - Санкт-Петербург, 1996., - с. 20-21.

⁵⁰ Акимущкин О. Ф., Иванов А. А. Персидские миниатюры XIV-XVII вв. - Москва, 1968.

композициясининг кўпроқ шартлилиги, кам ранглардан фойдаланганлиги ва чизиқларнинг нисбатан дағаллиги билан характерланади. “Бобур Темурийлар кутубхоналаридан нодир қўлёзмалар ва уларнинг варақларини йиғиб, Ҳиндистонга олиб кетган. Бу нодир қўлёзмалар ҳинд миниатюра мактабининг шаклланишида жуда катта роль ўйнаган”⁵¹.

Ҳирот миниатюра мактабининг ёрқин намоёндаси, XV асрнинг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод Шарқ миниатюрасига кўпгина янгиликларни, композицияга пейзаж, портрет жанрини олиб кирди. У ўз асарларида мутаносибликни очиб бера олди. Рангларни юмшоқроқ, тинчроқ кўринишда беришга ҳаракат қилди. Уларнинг тасвирланаётган буюмлар билан мослашувига эътибор берди. Ижодкор миниатюраларида воқеа-ҳодисаларнинг бўлиб ўтаётган пайтдаги иш жараёнини, ҳаракатни тасвирлашга интиланган. Беҳзод ижодининг кўп қисмини портрет жанридаги миниатюралар ташкил этади.

Мовароуннаҳр мактаби – Бухоро ва Самарқанд мактаби XVI-XVII асрларда тараққиётнинг янги босқичларига кўтарилади. Асл Бухоро мактаби маҳаллий анъаналарни Ҳирот рассомларининг ажойиб рангтасвири билан бирлаштириш асосида шаклланган ва янги рангтасвир мактаби ҳамда услуби яралади. “Самарқанд миниатюралари Ҳирот ва Шероз миниатюраларидан персонажлар талқини, либослари билан ҳам фарқ қилади. Улардаги кишилар гавдасининг тасвири ўзига хос, беллар бир оз пастга тушган ва шунинг учун ҳам оёқлар анча қисқа туюлади. Барча тасвирларда бош кийими бир хил – дастордан иборат. Бу ўзига хослик композиция қурилишининг аниқлигида, катъий тартиб мавжудлигида, деталлар билан тифизлаштириб юбормасликда, композиция барча унсурларининг йирик-йирик қилиб тасвирланишида, киёфаларнинг сийраклигида намоён бўлади. Бу миниатюраларда персонажларнинг катта гуруҳлари кўрсатилмаган, кишилар алоҳида, жуфт-жуфт ёки учталаб тасвирланади...”⁵² Миниатюра мактабларида сюжет ва образларни мавзуларига кўра шартли равишда тизимлаштириб, ҳар бир мактабга хос бўлган асарларда сюжетлар сарой ҳаёти, базм саҳналари, лирик мавзулар, жанг саҳналари, ов манзараси, маиший ҳаёт, диний мавзулар, суҳбат каби тасвирлар билан ифодаланган. Бундай мавзулар асосан Ўрта аср бадий адабиётлари, дostonлар, шеърый девонларга ишланган миниатюраларда ўз аксини топган.

Бобнинг ***“Шарқ миниатюра санъатини ўрганишдаги илмий адабиётлар шарҳи”*** деб номланган учинчи бўлимида Ўрта аср Шарқ миниатюра санъатини ўрганишда тадқиқотчиларнинг илмий қарашлари ва назарий ёндашувлари тадқиқ этилиб, иллюстрацияларда сюжет ва образлар бадий талқинининг ўрганилиши борасида амалга оширилган тадқиқотларнинг шарҳи ўрин олган.

⁵¹Грек Т. В. Индийские миниатюры XVI - XVIII вв. // “Наука”. - Москва, 1971.

⁵²Пугаченкова Г. А., Галеркина О. И. Миниатюры Средней Азии. - Москва, 1979, - с. 15-16.

Ҳар бир йирик мутахассис, тадқиқотчининг илмий изланишларида ўз шахсий методлари мавжуд. Б. В. Веймарн⁵³, К. Дж. Керимов⁵⁴, М. М. Ашрафий илмий тадқиқотларида, рус олимларидан эса М. В. Алпатовнинг асарларида, ўзбек санъатшуносларидан Г. А. Пугаченкова, Э. М. Исмаилова, А. А. Ҳакимов, А. А. Мадраимовларнинг миниатюраларни тавсифга олган каталоглари услуби ҳамда умумилмий методларининг қиёсий ўрганилиши аҳамиятга молик. Масалан, Ш. Шукуров ўз илмий изланишларида тасвирий шакллар ва уларни англаш йўллариининг аҳамиятини Ўрта аср онги билан тушунишга ҳаракат қилади⁵⁵. Муаллиф график белгилардан тасвирий шаклларга ўтиш борасида бадий мантиқнинг график услубларига тўхталади. Инсон қиёфасини тасвирлашнинг мураккабликлари, Муҳаммад Пайғамбар тасвири иконографиясига оид фикрларни айтиб ўтади. “Шоҳнома”га оид адабиётда муаллиф⁵⁶ санъатшунослик, адабиётшунослик ва маданият тарихида илк маротаба дoston матни сюжетларини уларга ишланган миниатюралар билан солиштириб ўрганади. Э. М. Исмаилова ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фондида сақланаётган Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV-XX асрларга оид қадимий қўлёзмалар зийнатлари ва суратларининг баъзи намуналарини тадқиқ этади⁵⁷. Машҳур дostonларга ишланган баъзи сюжетлардаги табиат манзараси, ундаги деталларни тасвирлашдаги рамзийлик белгилари ва қонуниятларни таҳлил этади⁵⁸. М. Назарли эса инсон образининг сирли белгиларига чуқур тўхталиб, китоб иллюстрациясидаги яширин сирлар, икки дунё орасидаги кўзга кўринмас нақшлар семантикасини таҳлил қилади⁵⁹. Низомий Ганжавий сюжетлари Л. Додхудоева томонидан бир индексга солиб ўрганилган⁶⁰ бўлса, Алишер Навоий дostonлари Ш. Қамбарова томонидан турли мактаблардаги миниатюра рангтасвирининг бадий таҳлили асосида тадқиқ қилинган⁶¹.

Диссертациянинг **“Ўрта аср форс тилидаги бадий адабиётларга ишланган миниатюралардаги сюжет ва образлар тизими шаклланиши, анъана ва талқин”** деб номланган иккинчи бобида Ўрта аср Шарқ миниатюра рангтасвири тараққиётининг мумтоз (юксалиш) даври XIV-XVII асрлардаги буюк мутафаккир шоирлар бадий асарлари – дostonлар қўлёзмаларига, хусусан, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Низомий Ганжавийнинг “Ҳамса” ва Амир Хусрав Дехлавийнинг “Ҳамса” дostonлари туркумига кирган асарлари қўлёзмаларига ишланган мўъжаз расмлардаги асосий сюжет ва етакчи қаҳрамонлар образлари талқини тадқиқ этилади. Илмий асарлар қўлёзмаларига ишланган расмлар кўпроқ X-XIII асрларда яратилган. Тарихий асарлар қўлёзмаларига XII-XVII асрлар давомида расмлар ишланган. Ушбу

⁵³Веймарн Б. В. Искусство арабских стран и Ирана VII-XVIII вв. – Москва, 1974.

⁵⁴Керимов К. Дж. Миниатюрная живопись. – Баку, 1983.

⁵⁵Шукуров Ш. М. Искусство средневекового Ирана. – Москва, 1989.

⁵⁶Шукуров Ш. М. Шахнаме Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция (текст и иллюстрация в системе иранской культуры XI-XIV веков). - Москва, 1983.

⁵⁷Исмаилова Э. М., Полякова Е. А. Науч. ред. Пугаченкова Г. А. Восточная миниатюра. - Ташкент, 1980.

⁵⁸Исмаилова Э. М. Пейзаж в миниатюрной живописи Мавераннахра и Среднего Востока XV-XVII веков (Семантика и символика). - Ташкент, 2006.

⁵⁹ Назарли М. Два мира восточной миниатюры. 2006.

⁶⁰Додхудоева Л. Н. Отражение литературных сюжетов в средневековой персидской литературной живописи. Автореф. - Ленинград, 1978.

⁶¹Камбарова Ш. Сюжеты поэм Алишера Навои в искусстве Средней Азии. Автореферат. – Баку, 1979.

илмий тадқиқотда йирик бадиий асарлар – дostonлар қўлёмаларига ишланган миниатюралар энг муҳим сюжетлари ва шаклланган образлар тизими хусусиятлари очиб берилган.

Ушбу боб доирасида мавзуга оид кўплаб миниатюраларнинг барчасини қамраб олиш имкони бўлмагани сабабли, аксарият ноёб миниатюраларнинг кўпгина қисми ҳозиргача чоп этилмаган ҳамда мавжуд каталогларда тавсифга олинмаган. Шу боис, тадқиқотда асосан ЎзР ФА ШИ хазинасидаги қўлёмалардаги миниатюраларнинг аслияти, жаҳоннинг бошқа музей, кутубхона ва фондларидаги миниатюралар чоп этилган адабиётлар асосида ўрганилди.

Бобнинг *“Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари қўлёмаларига ишланган миниатюраларда асосий сюжет ва образлар бадиий талқини”* деб номланган биринчи бўлимида “Шоҳнома” қўлёмалари ва уларга ўрта асрларда яратилган 13 та миниатюрадаги анъанавий сюжет ва образлар таҳлил этилган.

“Рустамнинг туғилиши”⁶² сахнаси тасвирланган асар сюжетида кўра, сеҳрли қуш Семурғнинг буйруғига кўра, табиб Рудобанинг қорнини ханжар билан кесади ва болани она қорнидан олади. Миниатюра марказида сарғиш жигаранг салла кийган табиб Рудоба қорнидан катта болани олаётгани кўрсатилган. Тасвир пастида Семурғ қушининг Золга гапираётгани, гўёки қушнинг кўзи ёриётган аёл учун қайғураётгандек ҳолати инсоний ички бир туйғу билан тасвирланади.

“Рустамнинг туғилиши” мавзусига оид яна бир асар рассом томонидан ҳаётий кузатишлар асосида ҳикоя қилинади. Унда онанинг азоб-уқубатлари, сабр-тоқати ва бардошини ҳикоя тарзида кўрсатиб беради, кўплаб турмуш майда-чуйдаларигача киритади. Асар колоритини танлашда ҳам Рустамнинг ҳаётидаги синовларини олдиндан башорат қилгандек кўк-кўкиш рангларга эътиборни кучайтиради. Бу ранг ғамгинлик белгиси ҳисобланади ва қаҳрамон ҳаётидаги оғир дамларни билдиради.

Рассом Муҳаммад Мурод Самарқандийнинг “Сиёвушнинг оловда синалиши” миниатюраси⁶³да XV асрда анъанавий ҳисобланган талқинга мурожаат қилади. Асарда Сиёвуш оппоқ кийимда гуллар кўринишидаги олтин олов алангасининг тиллари ва қуюқ тутун ичра ўтиб бормоқда. Оқ ранг рамзий покликни, қаҳрамоннинг бегуноҳлигини билдиради. Айнан шу сюжетга ишланган бошқа “Сиёвушнинг оловда синалиши” миниатюра⁶⁴сининг композицион ечими содда қурилган. Асосий қаҳрамон – Сиёвуш поклик рамзи бўлган оқ кийимда тасвирланган. Асардаги рангларнинг фалсафий маъноси жудаям теран. Оқ – поклик рамзи бўлса, ҳаворанг – мусаффолик, хотиржамликни ифодалайди. Сиёвушнинг устидаги кийимлари оқ рангда ва ички кийимлари ҳаворангда бўлиши қалб хотиржамлигини англатади. Мурод Самарқандий асаридан фарқли, қаҳрамоннинг учқур оти тим қора рангда берилган ва ғалаба, зафар қозониш каби маъноларни акс эттирган.

⁶²“Рустамнинг туғилиши”. 1661. Ўрта Осиё. 15 в. Россия Миллий кутубхонаси. 69 р

⁶³“Сёвушнинг оловда синалиши”. 1556. Муҳаммад Мурод Самарқандий. ИНВ 1811. 104 в. ЎзР ФА ШИ. Қўлёмалар фонди. 12х18.

⁶⁴“Сиёвушнинг оловда синалиши”. Самарқанд (?). XV а.о. С-822. 100 в. ФА ШИ Санкт-Петербург бўлими. 7,5х14,6..

“Сиёвушнинг оловда синалиши”⁶⁵ сюжетиға Бухоро рассоми Муҳаммад Муқим томонидан бутунлай янгича талқинда ёндошилган. Одатда ёш шахзода оқ либосда от устида оловдан сакраб ўтаётгани тасвирланса, бу ерда у яшил майсазордаги гулхан устида ўтирган ҳолатда кўрсатилган. Унинг марказида йигит қизғиш либос ва бинафшаранг саллада ўтирибди. Гулхан атрофидаги тўрт нафар иштирокчи жойлашуви ҳам бу ерда янгича кўринишда берилган. Улар орасида Сиёвушнинг отаси Фаридун ҳам бор. Қоида бўйича улар гулхандан узоқроқда эмас, балки аланганинг олди планида бегуноҳ йигитнинг оқланишига нисбатан ўз муносабатларини билдираётгандек ҳайратда турибдилар. Рассом Ўрта аср тасвирий санъатидаги ранглар жойлашуви борасида ҳам қолипга тушиб қолган қонуниятлардан четга чиқади ва композицияга янги тасвирий ечимларни олиб киради.

“Барбаднинг Хусрав ҳузурда куй ижро этгани” сюжети⁶⁶ акс этган миниатюрада анъанавий, шоҳнинг табиат қўйнида дам олаётган сахнаси кўрсатилган. Майсазорда кўчма тахт устида ҳукмдор савлат тўкиб ўтирибди. Шарқнинг йирик мусиқачиларидан бўлган Барбад етук бастакор, кўшиқчи ва ижрочи сифатида танилган эди. Муҳаммад Муқим ижодига хос бўлган тасвирлардаги йирик, бесўнақай гавдалар, ихчамлаштирилган манзарадаги контраст ранглар гаммаси орқали бироз оғир-босиқ тасаввурни беради. Рассом Темурийлар даври мумтоз услубига эргашиб, ўзига хос нафосатни йўкотади, унинг образлари гўё анча ҳаётга яқинроқ, улар йирик ва реалистик, имо-ишора ва юзларида бўлаётган воқеалардан жонли таъсирланиш акс эттирилган, лекин сюжет билан белгиланадиган ҳеч қандай ҳис-ҳаяжон, лирик юмшоқлик сезилмайди.

Мазкур бобнинг **“Низомий Ганжавийнинг “Хамса” достонига ишланган миниатюраларда сюжет ва образлар бадиий талқини”** деб номланган иккинчи бўлими Низомий Ганжавий ижодий йўли, “Хамса” достони ҳамда ушбу қўлёзмага ишланган 6 та миниатюра ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади, улардаги анъанавий сюжетлар қиёсий таҳлил этилган.

Низомий Ганжавий достонига ишланган миниатюраларда сюжет ва образлар анъанаси пайдо бўлади ва у кейинчалик давом этади. Муаллиф достони қўлёзмасига ишланган миниатюраларда атроф-муҳит, табиатга эътибор кучли, деталларга алоҳида аҳамият берилган, қаҳрамонлар либослари сюжет ва мавзудан келиб чиқиб ҳашамдорроқ қилиб ишланган. Табиат тасвири ҳам безакдор, турли ўсимликлар, гуллар, тошлар, дарахтлар, тоғлар ва қир-адир, қияликлар орқали бойитилган. Унинг миниатюраларида асосан ёрқин ранглардан фойдаланилади⁶⁷.

“Султон Санжар ва кампир” мавзусидаги миниатюра⁶⁸ мазмунида ёрдамга муҳтож кампир Салжуқ султони Санжар билан учрашувдан фойдаланиб, ўзи ва халқни хафа қилган шоҳнинг вилоят ҳокимлари устидан

⁶⁵ “Сиёвушнинг оловда синалиши”. Бухоро. Муҳаммад Муқим. ИНВ 3463. 102 в.б. ЎзФА ШИ Қўлёзмалар фонди. 16x14,8.

⁶⁶ “Барбаднинг Хусрав ҳузурда куй ижро этгани”. 1664. ИНВ 3463. 508 в.б. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. 13x15.

⁶⁷ Низомий “Хамса”сига ишланган расмлар. Тузувчи Ф. Сулаймонова. Альбом. - Т. 1985, - 6.11-12.

⁶⁸ “Султон Санжар ва кампир”. 1545. Бухоро. Маҳмуд Музаҳҳиб. 985. 40 в. Миллий кутубхона. Париж.

шикоят қилаётгани тасвирланади. Ғамгин кампирнинг букчайган елкаси ортида ёлғиз, химоясиз кекса аёлнинг тақдири ва кулфатининг рамзи сифатида фақат яланғоч қуриган дарахт шарпаси ва қоядаги каклик осилиб турибди. Аммо, баъзан Маккадаги Арафот тоғи билан рамзий боғлаб турадиган каклик, шунингдек, мусулмоннинг барча қийналаётганларга ёрдам бериш бурчи ҳақида эслатиб туради⁶⁹.

Мусаввир Султон Муҳаммад ижодига мансуб “Султон Санжар ва кампир”⁷⁰ миниатюрасида бош қаҳрамоннинг аҳамиятини уни кузатиб борувчи чавандозлар, шунингдек, атрофда ярим доира бўлиб жойлашган қоялар тизмаси бўрттириб кўрсатади. Композиция ҳар тарафдан ўраб олинган ва томошабин нигоҳи марказга йўналтирилади. Композициянинг пухта ўйланган ва қатъий мантиққа асосланганлиги фон қурилишидаги каби фигураларнинг жойлашувида ҳам яққол кўзга ташланади. Ушбу сюжет Низомий “Хамса”сини беазаган рассомлар орасида жуда машҳур бўлган. Ҳозирга қадар олимлар томонидан ушбу мавзуга XIV-XVIII асрларда Эрон ва Мовароуннаҳрда ишланган тахминан 72 та миниатюра аниқланган⁷¹.

Бобнинг *“Амир Хусрав Дехлавийнинг “Хамса” асари қўлёзмалари миниатюраларида анъанавий сюжет ва образлар бадиий талқини”* учинчи бўлими Хусрав Дехлавий ижодий йўли, “Хамса” достони ҳамда ушбу қўлёзмага ишланган миниатюралар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади, миниатюраларда анъанавий сюжетлар қиёсий таҳлил этилади.

Амир Хусрав Дехлавийнинг “Хамса” асари қўлёзмалари миниатюраларида анъанавий сюжет ва образлар тўлалигича ва ҳар томонлама талқин этилмаган. Улар примитивроқ, фигуралар сал чўзиқроқ этиб тасвирланади. Атрофдаги деталларга кўп эътибор қаратилмайди. Расмлардаги ранглар бўғиқроқ, тўқ ранглардан фойдаланилади ва ёрқин рангларга камроқ эътибор қаратилади. Миниатюралар композицияси соддароқ қилиб ишланади. Сюжетлардаги иштирокчилар камлиги билан бошқа хамсанавислардан фарқ қилади ва образларнинг ўзига хослиги яққол хусусиятларга эга. “Мажнун ва Лайли” достонига оид анъанавий мавзудаги “Лайли ва Қайс мактабда” миниатюрасида⁷² айнан шу жиҳатлар намоён бўлган. Достон қаҳрамони Қайс Лайли билан мактабда ўқийди ва уни севиб қолади. Қайс ўз ҳиссиётларини яшира олмайди. Миниатюрадаги қаҳрамонларнинг юзлари ўчириб ташланган.

Диссертациянинг *“Алишер Навоий достонларида анъанавий сюжет ва образлар ҳамда уларнинг замонавий миниатюрадаги талқини”* деб номланган учинчи бобида Алишер Навоийнинг “Хамса” асари қўлёзмаларига ишланган 9 та миниатюрадаги анъанавий сюжет, образ ва мавзулар талқини қиёсий таҳлил этилади, замонавий миниатюра рассомлари ижодида мумтоз миниатюра анъаналари талқин этилади.

⁶⁹Исмаилова Э. М. Пейзаж в миниатюрной живописи Мавераннахра и Среднего Востока XV-XVII вв. Семантика и символика. - Ташкент, 2006, - с.76.

⁷⁰“Султон Санжар ва даъвогар кампир”. XVI. Табриз. Рассом Султон Муҳаммад. Британия кутубхонаси. Лондон.

⁷¹Исмаилова Э. М. Пейзаж в миниатюрной живописи Мавераннахра и Среднего Востока XV-XVII вв. Семантика и символика. - Ташкент, 2006, - с.77.

⁷²“Лайли ва Қайс мактабда”. 12.в. 6. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзмалар фонди. 8,5x13 см.

Бобнинг *“Алишер Навоийнинг “Ҳайрат-ул аброр”, “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий” достонлари қўлёзмаларига ишланган миниатюраларда сюжет ва образлар бадиий талқини”* номли биринчи бўлимида шоир достонларининг қўлёзмаларига ишланган миниатюралардаги анъанавий сюжет ва образларнинг талқини таҳлил этилади.

“Ҳайрат ул-аброр” достони муқаддимасидаги илк расм Камолиддин Беҳзод томонидан яратилган, Пайғамбар наътига бағишланган бўлиб, унда Муҳаммад Пайғамбар с.а.в. ва унинг тўрт саҳобаларини масжид саҳнида тасвирлаган бўлиб, у шаҳзода Бадиуззамон учун яратган қўлёзмага ишланган⁷³. Пайғамбар ва саҳобалар Ҳирот XV аср санъати анъаналарига, хусусан, Ҳайдар Хоразмийнинг “Меърожнома”сидаги тасвирларга ўхшатиб ишланган. Ҳам ҳаётда, ҳам матнда ва ҳам расмда бўлганидек, Пайғамбар шахси алоҳида ажратилиб, унинг бошида пайғамбарлик рамзи олтин олов доира тасвирланган. Пайғамбарнинг миниатюралардаги тасвирини махсус ўрганган Ш. М. Шукуров унинг шахсияти илоҳийлаштирилгани учун сўнгги расмларда юзи парда остида тасвирланганига катта эътибор беради ва унинг сабабларини қидиради⁷⁴. Миниатюрада Пайғамбар юз тасвири борлигини шу билан изоҳлаш мумкинки, «Қуръони Карим»да Пайғамбарлар ҳам оддий инсонлардан эканлиги ва жуда кўп Ҳадиси шарифларда Пайғамбаримизнинг “мен ҳам сизлардек одам фарзанди, одамман”, деб кишиларни яхши хулқ-атворга чақирганлари маълум. Шунинг учун ҳам шоирнинг бошқаларга намуна бўлувчи аброрлар тўғрисидаги достоннинг расмларидан энг мукаммали ва яхшисида Пайғамбар ва унинг саҳобалари тасвири яратилган.

“Шоҳнинг имом билан ҳаммомдаги суҳбати”⁷⁵ мавзусидаги миниатюрада тасвир фақатгина ҳаммомдаги кўриниш эмас, Хоразм шоҳи Султон Муҳаммаднинг имом Фаҳр Розий билан суҳбатидир. Шоҳ Фаҳр Розийни ҳаммомда учратиб қолиб, унга савол беради: “Қиёмат кунида инсон билан нима содир бўлади?” Донишманд айтди: “Бу куни шоҳ ҳам, камбағал ҳам ҳозиргидек яланғоч бўладилар. Агар шоҳ ва унинг аъёнлари у дунёга кираверишда ўз устиларидаги либосларини ташласалар, менга ўхшаган олимлар эса у ерга ўзларининг эришган эзгу амаллари билан бирга кирадилар”.

“Сабъаи сайёр” достони таркибига кирувчи “Моний Баҳромга Дилоромнинг расмини кўрсатмоқда”⁷⁶ мавзусидаги Бухоро миниатюра мактабига хос бўлган асар Ҳирот мактаби рассомларининг таъсири остида ишланган асарлар сирасига киради. Бу асарнинг композицион қурилиши, сюжетнинг талқин қилиниши ва баъзи образларнинг тасвирида кўринади. Моний образидаги камон олиб юрувчи тасвири ва отни ушлаб турган ширакайф хизматкор образларининг талқини Ҳирот мактабига жуда яқин. Асардаги табиат тасвирида Бухоро мактабига хос бўлган белгилар яққол кўзга ташланади. Манзара фонидаги яшил ўтлар, турли рангдаги гуллар тасвири миниатюрага безакли ифодалилиқни бахш этиб турибди. Ушбу асар Бухоро

⁷³“Пайғамбар ўз саҳобалари билан”. 1485. Ҳирот. Elliot. 287. 7 в. Бодли кутубхонаси. 11,5x16,3.

